

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШГА ЛИЦЕНЗИЯНГИЗ БОРМИ ?

Маълумки, жамоат транспорти иқтисодий тармоқлари ичида энг кўп меҳнат талаб қиладиган, айтишда ҳаётимизда муҳим ўрин тутадиган соҳа ҳисобланади. Ҳар доим, ҳамма ерда транспорт хизматидан фойдаланишга эҳтиёжimiz борлиги унинг аҳамиятини белгилаб берса, инсонлар ҳаётига жавобгарлик транспорт ходимларининг масъулиятини оширади. Ҳар бир транспорт воситаси, у ҳоҳ йўловчи ташувчи, ҳоҳ юк ташувчи бўлсин, биринчи навбатда, техник жиҳатдан соз бўлмоғи лозим. Чунки техниканинг созлиги ҳаракат хавфсизлигининг асосидир.



Долзарб мавзу

биркорликнинг ушбу тури билан шуғулланишни ихтиёр этган ҳайдовчилар уюшмаларга аъзо бўлишади. Бу уюшмалар республика йўл фондига ўтказиладиган мажбурий тўловлардан озод этилади. Аллақачон бошланган кетган ташкилот ва корхоналарга аъзо бўлиш жараёни 2006 йил 1 июнига қадар давом этади ва аъзоларга давлат ракам белгилари ва қайд этиш гувоҳномалари берилади. Фаолиятнинг бу тури билан шуғулланишга рухсат берувчи барча ҳужжатларни уюшма мутасаддилари тайёрлаб беришади. Ҳар кун йўналишга чиққан олдин ҳайдовчи тибиб, транспорт воситаси эса техник кўриқдан ўтказилади. Бошқача айтганда, ҳайдовчининг ҳам, транспорт воситасининг ҳам ҳолати доимий назоратда бўлади. Демак, ўз-ўзидан йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш кафолати ортади. Яна бир нарса. 2006 йилнинг 1 майдан бошлаб лицензиялар ҳам янги шаклда, муҳофазаланган ҳолда чиқарилади.

ти тугамаган лицензиялар ҳеч қандай тўловларсиз янги шаклдаги лицензия ва рақаларига алмаштириб берилади.

Албатта, ҳужжат қабул қилинмиши, демак, бажарилиши керак. Қимдир лицензия сотиб олган ҳолда тадбиркорлик қилиб, бошқа биров солиқдан қочиб, яна аввалгидек, техник назоратсиз транспорт хизмати кўрсатишига йўл қўйиб бўлмайди.

А.Сулаймонхўжаевнинг маълумот беришича,

янги кўриқнидаги лицензия бўлмаган ҳолда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган ҳайдовчилар маълумот тартибига қўйилади. Бунда энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 150 бараваригача бўлган миқдорда жазима солиш, агар маълумот хўжуқбузарлик содир этилганда сўз берилган мобайнида худди шу хўжуқбузарлик тасвирини содир этилган, хўжуқбузарликни содир этиш воситаси сифатида транспорт воситасини мусодара қилишгача бўлган жазо чораси қўлланилади.

Ҳозирги кунда юқорида эслатиб ўтилган қарорлар талабларини бажариш, уни ҳайдовчиларга тушунтириш борасида тегишли ташкилотларнинг мутасадди ходимлари иштирокида махсус рейдлар ўтказилиб, қонунга зид ҳолларни бартараф этиш чоралари қўрилади. Аммо, фақатгина назоратни қўйиб қўйиб билан ишобий натижаларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун, энг аввало, ҳайдовчилар хизмат кўрсатиш, маданиятини ошириши, ўз навбатда, йўловчилар ҳам ҳайдовчидан намунали хизмат кўрсатишни, транспорт воситаларининг техник жиҳатдан соз, озода бўлишини талаб қилишлари лозим.

Б. ҒОҒУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ ! Вазирликлар, идоралар, олий ўқув юрлари раҳбарлари ва талаба-магистрантлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб талаба-магистрантларнинг фан, техника ва таълим соҳасида эришаётган муваффақиятларини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича:

1. Кишлоқ хўжалиги ва ирригация.
2. Тиббиёт, доришunosлик ва экология.
3. Иқтисодий, ҳуқуқ, педагогика ва психология.
4. Тарих, тил, адабиёт ва санъат.
5. Техника, ахборот технологиялари ва бошқарув

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ.

Ҳар бир йўналиш бўйича биттадан голиб талаба-магистрантга диплом ва 150 минг сўм миқдорда мукофот топширилади.

Вазирлик ва идоралардан ушбу танловда иштирок этиш учун тавсия этиладиган талаба-магистрантларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тайёрланган ҳамда муқоваланган ҳужжатларини 2006 йил 1 майдан 30 майгача Фан ва технологиялар марказига бир нусхада тақдим этиш сўралади.

Манзил: 700000, Тошкент ш., Амир Темура к., 62-уй. Телефонлар: 137-61-59, 137-61-73.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ ! Вазирликлар, идоралар, олий ўқув юрлари, илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари ва аспирантлар диққатига !

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб аспирантларнинг фан, техника ва таълим соҳасида эришаётган муваффақиятларини рағбатлантириш мақсадида қуйидаги устувор илмий-техник йўналишлар бўйича:

1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодийга мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш.
2. Агрисаноат мажмуаси.
3. Энергетика, ресурслар, санъат.
4. Соғлиқни сақлаш ва экология.
5. Ахборот технологиялари ва бошқарув

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ.

Ҳар бир устувор илмий-техник йўналиш бўйича биттадан голиб аспирантга диплом ва 250 минг сўм миқдорда мукофот топширилади.

Вазирлик ва идоралардан ушбу танловда иштирок этиш учун тавсия этиладиган аспирантларнинг белгиланган талабларга мувофиқ тайёрланган ҳамда муқоваланган ҳужжатларини 2006 йил 1 майдан 30 майгача Фан ва технологиялар марказига 1 нусхада тақдим этиш сўралади.

Манзил: 700000, Тошкент ш., Амир Темура к., 62-уй. Телефонлар: 137-61-59, 137-61-73.

Энг яхши спорт ишноотлари — болаларга

Азалдан гуллар шаҳри дея эъзозланиб келган Наманган бугун ўзининг спортдаги салоҳиятини ҳам кўз-кўз қилмоқда. Айни пайтда вилоятда жисмоний етуклик машқлари билан шуғулланиш учун катта имконият яратилган. Замонавий ўйингоҳларда 600 мингдан ортиқ киши спорт билан машғул. Уларнинг 400 мингдан кўпроги вояга етмаган ёшлардир. Амалга оширилётган ишларда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг салмоқли ҳиссаси бор. Биргина ўтган йилнинг ўзида жамғарма томонидан 321 миллион 558 минг сўм маблағ ажратилиб, мактаблар қоидада спорт заллари, майдончалар барпо этилди, мавжуд ишноотлар махсус анжомлар билан таъминланди.

Жамғарма бошқаруви наманганликлар таърибасини омалаштириш мақсадида бу ерда ҳудудий семинарини ташкил этди. Унда иштирок этган Андижон ва Фарғона вилоятлари болалар спортини ривожлантириш жамғармаси филиали раҳбарлари, «Ижтимоий» компанияси ҳамда бош лудратчилар вакиллари ўтган йили кишлоқ жойларида фойдаланишга топширилган мактаб спорт залларини бориб кўрдилар. Ишноотларнинг сақланиши, ёшларнинг улардаги ўйин-тарқаларга жалб этилиши мўҳимларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Тўрақўрғондаги балидий гимнастика мактабидаги фаолият семинар қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИ, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ҚЎШМА ВА ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ўқув йилида битирувчи таълим йўналишидаги бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақдим қилишга қирғишанлигини маълум қилиб, 2006 йил 14 апрель кунин соат 10.00 да институтда ўтказиладиган битирувчилар тақсимоти тақлиф этади.

Институт бакалавр ва магистрлар бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассислардир. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган бакалавр ва магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизни 2006 йил 20 апрель кунига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Умумий маълумотлар учун телефон: 134-41-39, Тошкент молия институтининг маркетинг бўлими. Манзил: Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли, 7-уй.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ 2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Магистратура мутахассисликларининг номи	Жами битирувчилар сонин	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот													
			Корақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вило.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент шаҳри
1.	Давлат маблағларини бошқариш	23	1	-	-	-	1	2	1	4	-	3	-	-	-	11
2.	Корхона молияси	4	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3
3.	Халқаро молия	5	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	2
4.	Молиявий менежмент	6	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	5
5.	Халқаро молия бозорларидаги операциялар	3	-	-	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	-	1
6.	Қимматли қоғозлар ва биржа иши	13	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	9
7.	Кредит	26	1	-	1	-	1	-	1	-	3	1	-	-	3	15
8.	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	13	1	2	-	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	8
9.	Банк ва кредит таваккалчилиги	3	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	3
10.	Банк аудити	6	-	-	-	-	-	-	1	-	-	1	-	-	-	4
11.	Банкларда қимматли қоғозлар операцияси	6	-	-	1	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-	3
12.	Солиқлар ва солиққа тортиш	22	-	-	2	-	2	1	2	-	1	-	3	1	10	10
13.	Бухгалтерия ҳисоби	13	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	2	2	6	6
14.	Аудит	21	-	-	-	-	-	-	2	-	-	2	1	4	1	11
15.	Капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш ва уларнинг мониторинги	10	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	8
16.	Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва уларни комплекс экспертиза қилиш	3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	3
17.	Инвестиция фаолиятини молиялаштириш	5	-	-	-	-	1	-	-	-	1	-	-	-	-	3
18.	Ташқи иқтисодий фаолият ҳисоби ва таҳлили	3	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	2
19.	Инвестиция лойиҳавий молиялаштириш	4	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	3
20.	Халқаро банк иши	4	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2	1	-
21.	Иқтисодий таҳлил	4	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	1	-	-	2
22.	Сўғуртада андеррайтерлик фаолияти	6	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	1	-	3
23.	Сўғурта экспертизаси	4	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	3
Жами		207	5	2	5	1	7	4	11	7	2	17	5	12	11	118

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ 2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

№	Бакалавр йўналишларининг номи	Жами битирувчилар сонин	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот													
			Корақалпоғистон Республикаси	Андижон	Бухоро	Жиззах	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сурхондарё	Сирдарё	Тошкент вило.	Фарғона	Хоразм	Қашқадарё	Тошкент шаҳри
1.	Банк иши	192	6	3	27	8	9	3	21	5	4	19	11	11	10	55
2.	Молия	180	5	2	16	7	7	3	11	7	1	9	4	8	11	89
3.	Солиқлар ва солиққа тортиш	145	1	-	25	8	5	3	20	5	3	9	7	10	13	36
4.	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	136	3	1	19	12	2	4	21	4	2	14	2	11	9	32
5.	Менежмент	13	-	-	2	2	1	-	1	-	-	1	-	1	-	5
6.	Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит)	73	1	2	3	2	2	4	10	-	-	7	1	2	10	29
Жами		739	16	8	92	39	26	17	84	21	10	59	25	43	53	246

«DONG NAM MOTORS CO. LTD.» официальный дистрибутор **HUNDAI MOTOR COMPANY**

«SANTA FE GLS» — двигатель 2 400 см³ бензин 4WD

Преждевременно: Sonata NF, Elntra, XG, Tucson, Santa Fe, Terracan, Coupe, Matrix, H-1 (Starex)

Трансмиссия — 5 ступ. мех. КПП, цвет металлик — устричный голубой, антиблокировочная система тормозов, подушки безопасности — 2 шт., люк на крыше, дуги на крыше под багажник, брызговики, передние + задние, передние противотуманные фары, кожаный обод рулевого колеса и рукоятки КПП, обогрев передних сидений, безключевой вход и сигнализация, система врезного замка, элек. обогреваемые внешние зеркала, кондиционер ручной настройки, воздушный фильтр, автоматический чейнджер CD на 8 дисков, антенна.

В РАСПРОДАЖУ

Цена — 57 030 000 сум.

Цена — 52 990 000 сум.

Г. Ташкент, пр. Афросиаб, 8. Тел. (998-71) 152-17-24. Тел./факс (998-71) 152-17-25. E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУГУЛЛАНУВЧИ ВА ШУГУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУКАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

автомобиль транспортга оид қонунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИНИНГ

www.uzaart.uz веб сайтыга ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортда фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:

- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.
- Тошкент вилояти бўлими: Тошкент ш., «Олмалик халқа» к., 1-уй, тел: 98-39-86.
- Сирдарё вилояти бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.
- Жиззах вилояти бўлими: Жиззах ш., «Тошкент» к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.
- Андижон вилояти бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.
- Фарғона вилояти бўлими: Фарғона ш., ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.
- Наманган вилояти бўлими: Наманган ш., Н. Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.
- Самарқанд вилояти бўлими: Самарқанд ш., А. Темура к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.
- Навоий вилояти бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.
- Бухоро вилояти бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.
- Қашқадарё вилояти бўлими: Қарши ш., «Ғузор» к., 12-уй, тел: 7-00-72.
- Сурхондарё вилояти бўлими: Термиз ш., М. Қошқарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.
- Хоразм вилояти бўлими: Урганч ш., «Хонқ» к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.

Ўзбек миллий фольклор ижодиёти авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадим ва мумтоз санъат туридир. Унинг ворислари мамлакатимизнинг турли ҳудудларида бугун ҳам кўплаб топилади.

Истеъдодлар кўриги

Ана шундай ижодкорларни излаб топиш ва рағбатлантириш мақсадида "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда вазирлик сараруфидига ўқувчилар саройи биргаликда "Болалар фольклор дасталари" республика фестивалини ўтказди.

Ортимиз вилоятлари, шаҳарлари ва туманларидан ташириб буюрган иштирокчилар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдилар, танқили ва ёш хонандалар билан учрашдилар. Фестиваль доирасида вилоят болалар фольклор дасталари концерти, ўзаро мулоқот соатлари, шунингдек, "Ўзбекистон — Ватаним маним!" мавзусида шеърят кечаси уюштирилди.

Узининг мафтункор санъати ва бетакор ижро усули билан эътироф этилган Хоразм вилояти болалар фольклор этнографик жамоаси олий ўринга сазовор бўлди. Биринчи ўрин Қашқадарё вилоятининг "Хилол" дастаси, Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилояти ёш санъаткорларига берилди. "Энг яхши кўшиқ учун", "Энг жозибали рақс ижроси учун" ва "Энг намунали фольклор жамоаси" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар ва фаол иштирокчилар фестивал ташилотчиларининг диплом, faxрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Г. ХУСАНОВА.

Парвозга чоғланган ЁШЛАР

КИНОФЕСТИВАЛЬ



Марказий Осие мамлакатлари ёшларининг "Ижодий парвоз" деб номланган кинофестивали фикримизга далил бўла олади. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлиги ташаббуси билан ташкил этилган

ушбу тадбир ёш киночилар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

— Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад кинематографлар ўртасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, ёш ижодкорларга эътибор қаратиш, ўзаро фикр

алмашиш учун имконият яратишдир. — дейди таниқли режиссёр, профессор Шухрат Аббосов. — Менимча, яхши мутахассис бўлишни истаган ҳар бир ёш, аввало, ўз соҳасига нимадир янгилик киритишга интилиши керак. Хайъат аъзо-

си сифатида бугунги ёшларимизда ана шу истақ жўш ураётганини сездим. Фақат уларнинг ишини санъатшунослар, устозлар баҳолаши, камчиликларини кўрсатиб, ютуқларини рағбатлантириши лозим. Шундагина ёшларнинг касбий маҳо-

рати янада ошиб, янги ижодий муҳит яратилади.

2004 йилда ўтказилган илк фестивалда юртимиз ва қўшни республикалардан 23 та, танловдан ташқари яна 12 та фильм намойиш этилган эди. Унда бош соврин соҳиби бўлган "Қор кўйнида лола" фильми Франциянинг машҳур Канн кинофестивалида кўргазма сифатида қатнашди.

Бу галги киноанжуман жорий йилнинг 2-7 май кунлари бўлиб ўтиши мўлжалланмоқда. Хозиргача саралаш комиссиясига 24 фильм тақдим этилган. Танловдан ташқари намойишларни ҳам ҳисобга олганда, фестивалнинг нуфузи тобора ортиб бораётгани аён бўлади.

Анвар САМАДОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Варрақлардан космик кемагача

Жиззахдаги «Истиқлол» болалар боғида «Варрақлар» байрамнинг якуний босқичи бўлиб ўтди

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 70 нафарга яқин иқтидорли ўқувчилар дастлаб ўзларининг назарий билимларини «Билимдонлар султони» шiori остида уюштирилган викторинада синовдан ўтказишди. Сўнг ўзлари ясаган варрақлари ҳимоясини амалга оширишди.

Байрамнинг иккинчи шarti бўйича иштирокчилар маънавиятга оид асарлар, миллий истиқлол мафкураси, қадриятларимизни асраб-авайлаш мавзусидаги тест саволларига жавоб қайтаришди. Ва шундан сўнг Болалар боғидаги стадион ўриндиқларини тўлдириб ўтирган минглаб ўғил-қизлар «Варрақлардан космик кемагача» шiori остида ўтказилган мусобақани томоша қилишди.

Жамоалардан 5 нафардан ўқувчи варрақларнинг «Лайлак», «Варрақ», «Ҳажли», «Эксперименталь», «Хаво шар» турлари бўйича финал мусобақаларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Баҳридин САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ободлик кўнгулдан бошланади

"Экосан" халқаро ташкилоти "Экология ва саломатлик кунлари" доирасида тадбир ўтказди. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида бўлиб ўтган ушбу тадбирда туман ҳокимлиги раҳбарлари ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Шу муносабат билан туманнинг бир қатор қишлоқларида экологик ҳашар уюштирилди. Кўчалар, ариқ ва зовурлар тозаланиб, дарактлар буталди. Маҳаллалар обод этилиб, кўкаламзорлаштирилди.

Шу кунги туман ҳокимлигида "Экосан" халқаро ташкилоти ва туман мутасаддилари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда бугун туманда атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси борасида олиб борилаётган ишлар ва мавжуд

муаммолар хусусида фикр алмашилди. Тадбирда сўз олганлар экологик муаммоларни ҳал этишда ҳар бир фуқаро масъуллигини ошириш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозимлигини таъкидлашди.

Учрашув якунида "Экосан" автоповездида етиб келган инсонпарварлик ёрдамлари туман марказий шифохонаси ва кам таъминланган оилаларга топширилди.

М. ОХУНОВА, "Халқ сўзи" мухбири.

«ИПОТЕКА-БАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ипотека-банк» Кенгаши шуни маълум қиладики, 2006 йил 5 май куни соат 11.00да Тошкент шаҳар, «Хоразм» кўчаси, 9-ўйда жойлашган «Ипотека-банк» меҳнат филиалининг мажлислар залида акциядорларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

КҮН ТАРТИБИ:

1. «Ипотека-банк» фаолиятининг 2005 йил натижалари ва 2006 йил фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботи.
2. «Ипотека-банк» фаолиятининг 2005 йил натижалари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. «Ипотека-банк» биринчи эмиссия акцияларини жойлаштириш натижалари ҳақида ҳисобот.
4. «Ипотека-банк» устав капиталини ошириш тўғрисида.
5. «Ипотека-банк» уставига киритиладиган ўзгартришларни тасдиқлаш.
6. 2005 йил учун «Ипотека-банк» бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
7. 2006 йил учун банк бизнес-режаси, молия истиқболлари ва сармоялар лойиҳасини тасдиқлаш.
8. 2005 йил фойдасини тақсимлаш тартибини тасдиқлаш.
9. 2005 — 2006 йиллар учун «Ипотека-банк» ташқи аудиторини тасдиқлаш.
10. Банк Кенгаши янги таркибини тасдиқлаш.
11. Банк тафтиш комиссияси таркибига киритиладиган ўзгартришларни тасдиқлаш.
12. «Ипотека-банк» бошқарув раисини тасдиқлаш.
13. 2005 йилда «Ипотека-банк» фаолиятини ўрганиш бўйича ташқи аудит ҳисоботи.

Йиғилишда 2006 йил 5 апрель ҳолатига кўра, «Ипотека-банк» акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Банк Кенгаши акциядорлар ҳамда акциядорларнинг вакилларидан йиғилишга шахсларни тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишларини сўрайди. Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошланади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 136-03-88, 132-12-93.

«Ипотека-банк» кенгаши

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ

«AGRIHIM»
ЎЗБЕКИСТОН—ИТАЛИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИДА

ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагиччангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилапти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовли-жойлардаги дарактлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машаҳидий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан виллояри заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

«HUQUQIY MADAD»
адвокатлик-маслаҳат фирмаси

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан хайрли ишга қўл урди.

МАСОФАДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТ

Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган, фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахсларга бевосита хат ва электрон почта (e-mail) орқали ҳуқуқий муносабатларда юзага келган турли мураккабликдаги саволларга ёзма равишда жавоб беради.

«HUQUQIY MADAD» адвокатлик-маслаҳат фирмасида фаолият юритувчи барча адвокатлар юқори малака ва тажрибага, шунингдек, адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун махсус лицензияга эга.

Мурожаат учун почта манзиллари — хатлар учун 100000, Тошкент шаҳри, бош почтамт; абонент кутиси №375 e-mail: hmadad@sarkor.uz ва huquqiy_madad@yahoo.com

GAZ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕР

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФЎТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТҚАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овкат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидроқўтаргичлар, автоустахоналар, бургулаш (бурыль), чикинди ташийдиган, мобил билборлар, автовакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР:

- сўт ташийдиган;
- аниқла ташийдиган;
- самосваллар.

ТУЛОВ ШАҚЛИ ТУРЛИЧА.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файиев томонидан саҳифаланди. Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зинд материаллар қабул қилинмайди. [] Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котаб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусаввир — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 01.30 2 3 4 5 6